

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХҰЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

КАРИМОВ ШАРОФИДДИН АБДУКАРИМОВИЧ

**ҒҮЗАДА ЯНГИ СТИМУЛЯТОРЛАРНИ ҚҰЛЛАШНИНГ
МАҚБУЛ МЕТЬЁР ВА МУДДАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.08 – Үсімлікшүнослик

**ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of
agricultural sciences**

Каримов Шарофиддин Абдукаримович

Ғўзада янги стимуляторларни қўллашнинг мақбул меъёр ва
муддатларини ишлаб чиқиш..... 3

Каримов Шарофиддин Абдукаримович

Разработка оптимальных норм и сроков применения новых
стимуляторов на хлопчатнике..... 21

Karimov Sharofiddin Abdukarimovich

Development of the optimal application timing and rates of new
stimulators on cotton..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХҰЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

КАРИМОВ ШАРОФИДДИН АБДУКАРИМОВИЧ

**ҒҮЗАДА ЯНГИ СТИМУЛЯТОРЛАРНИ ҚҰЛЛАШНИНГ
МАҚБУЛ МЕТЬЁР ВА МУДДАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.08 – Үсімлікшүнослик

**ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕТ-2019

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2017.1.PhD/Qx36 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида (ПСУЕАИТИ) бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.cottonagro.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-тълим портали www.ziyonet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Абдуалимов Шухрат Хамадуллаевич**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Остонакулов Таштемир Эшимович**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Рашидова Дилбар Каримовна
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот: **ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти**

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли Илмий кенгашнинг «_____» 2019 йил соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қиброй тумани, Ботаника М.Ф.Й, ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142–22–35; факс: (99871) 150–61–37; e-mail: piim@agro/uz)

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қиброй тумани Ботаника М.Ф.Й, ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142–22–35; факс: (99871) 150–61–37; e-mail: piim@agro/uz

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Н.Нурматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
к.х.ф.д., профессор

Ф.М.Хасанова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, к.х.ф.н., профессор

Ж.Х.Ахмедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати. Дунё қишлоқ хўжалигида ўтган асрнинг 30–40 йилларига келиб ўсимликларни парваришлашда АҚШ, Россия Федерацияси, Хитой, Япония, Ҳиндистон ва Австралия каби давлатларда ўсишни созловчи моддаларга бўлган эҳтиёж ортиб, ҳозирги кунда жаҳон бозоридаги талаб 2241 млн. АҚШ долларига тенгдир¹. Бу эса дунё қишлоқ хўжалигида маҳсулотлар етиштиришда ўсишни созловчи моддалардан кенг фойдаланилаётганини билдиради. Ўсишни созловчи моддалар нафақат ўсимликларни ўсишини бошқаради, шу билан бирга тупроқнинг унумдорлигини сақлаш ва оширишда кечадиган агрокимёвий жараёнларни тезлаштиради ҳамда яхшилайди.

Дунёда иқлиминг глобал ўзгариши ҳамда йилдан йилга об-ҳавонинг нокулай шароитларда ўсимликларни парваришлашда ўсишни созловчи моддаларни илмий асосланган ҳолда қўллаш ижобий натижалар бермоқда. Бунда, об-ҳаво нокулайликлари, сув тақчиллиги, зааркунандалар ва турли касалликларнинг кўпайиши учраган мавсумда ўсишни созловчи моддалар билан ишлов беришни илмий асослаш натижасида ниҳолларнинг униб чиқиши ҳамда ўсиш ривожланишида физиологик жараёнларнинг тезлашиши, ўсимликларнинг фотосинтез маҳсулдорлиги ортиши, ташқи стресс омилларга, касаллик ва зааркунандаларга бардошлилиги ошиши, эртаги, юқори ва сифатли ҳосил олиш ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми ортиб, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имконини бермоқда.

Республикамизда аҳоли сонининг кўпайиши ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг ортиши, кам харажат қилиб юқори ҳосил олиш ва иқтисодий самарага эришиш, озиқ-овқат маҳсулотлари билан аҳолини етарлича таъминлаш билан бирга пахтачиликда эртапишар, серҳосил, ташқи стресс омилларга, касаллик ва зааркунандаларга бардошли, юқори ва сифатли тола етиштиришда янги ўсишни созловчи моддалар билан ишлов бериш агротехнологияларини ишлаб чиқиши долзарб масалалардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг 3.3 бандида “...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришини кенгайтириш, замонавий ўсишни созловчи моддаларни қўллаш технологияларни жорий этиш”² каби муҳим вазифалар белгиланган. Шу асосда қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлашда янги ўсишни созловчи моддаларни қўллашнинг мақбул меъёрлари ҳамда муддатларини ишлаб чиқиши бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳам долзарб ҳисобланади.

¹ <http://cyberlenika.ru/article/n/regulyator-rost-rasteniy-v-agrotehnologiyah>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги ПФ-4947-сонли Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3281 сонли «2018 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик экинларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари тўғрисида»ги қарори, 2019 йил 17 июлдаги ПҚ-5742 сонли «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора тадбирлари тўғрисидаги» ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22-декабрдаги “2019 йилда ғўзани навлари бўйича жойлаштириш ва пахта хом ашёси етиширишнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида” ги 1037-сонли қарори ва шу асосдаги меъёрий хукуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда ҳамда мамлакатимизда чигитга қиши олдидан ва ғўзанинг ўсиш-ривожланиш даврида стимуляторлар билан ишлов бериб, унинг унувчанлигини оширишга, ўсиш-ривожланишига, пахта ҳосилдорлиги ва тола сифатига таъсирини ўрганиш бўйича Ю.Мержинский, Ф.Калинин, Ю.Ракитин, К.Овчаров, М.Чайлахян, А.А.Dunlap, Р.Е.Schott, А.Имомалиев, У.Мадраимов, Ш.Абдуалимов, К.Таджиев, У.Ниязметов, Ф.Мустаев, К.Давроновлар томонидан кўпгина илмий тадқиқотлар ўтказилган. Лекин, Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида Натрий гумат 30 % паста, Оберегъ, Фитовак, Биодукс ва Замин-М стимуляторларининг ғўзадаги биологик самарадорлигини аниқлаш, мақбул қўллаш меъёр ва муддатларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан мослиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етишириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-8-019 «Гумимакс торфогуминли адаптоген, антидот, иммуностимуляторининг физиологик фаоллигини ғўза, ғалла ва кунгабоқарда ўрганиш ҳамда қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш» (2009-2011) ва ҚХА-9-041-2015. «Янги биологик ва физиологик фаол моддалар ёрдамида ноқулай табиий иқлим шароитларида эртаги, юқори ва сифатли пахта ҳосили етиширишнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш» (2015-2017) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида ғўза ниҳолларини турли ташқи омилларга бардошлигини ошириш, улардан юқори ва сифатли пахта ҳосили олиш мақсадида Натрий гумат, Оберегъ, Фитовак, Биодукс ва Замин-М стимуляторларини қўллашнинг мақбул муддат ва меъёрларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

таъсир этувчи моддаси турлича бўлган янги стимуляторлар билан чигитга ва ғўза вегетацияси даврида ишлов беришнинг таъсирини аниқлаш:

чигитнинг лаборатория ва дала шароитларида униб чиқиши даражасига; ниҳолларнинг гоммоз ва вилт касалликларига;

ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига;

ғўзанинг барг юзаси, қуруқ массаси ва фотосинтез соф маҳсулдорлигига;

ғўзада ҳосил элементларининг тўкилишига;

тупроқ микроорганизмлари фаолиятига ва ғўзанинг биокимёвий жараёнларига;

пахта ҳосили, тола ва чигит сифатига;

Натрий гумат, Оберегъ, Фитовак, Биодукс ва Замин-М стимуляторларини қўллашнинг иқтисодий самарадорлигига таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг обьекти сифатида қадимдан суфорилиб келинаётган типик бўз тупроқ, Натрий гумат, Оберегъ, Фитовак, Биодукс ва Замин-М стимуляторлари, ғўзанинг “Наврўз” ва “Андижон-37” навлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети чигитнинг лаборатория ва дала шароитидаги унувчанлиги, ниҳол касалликлари, ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши, қуруқ масса тўплаши, барг юзаси, фотосинтез соф маҳсулдорлиги, ҳосил элементларининг тўкилиши, микроорганизмлар фаоллиги, биокимёвий жараёнлар, пахта ҳосилдорлиги, чигит майдорлиги, тола ва чигитнинг технологик сифат кўрсаткичларидан иборат бўлди.

Тадқиқотнинг услублари. Дала ва лаборатория шароитидаги изланишлар ЎзПИТИда қабул қилинган «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» услубий қўлланмасига мувофиқ олиб борилди. Шунингдек, «Ўсишни созловчи моддаларни давлат синовидан ўтказиш бўйича қисқача услубий кўрсатмалар» ҳамда «Инсектицид, акарицид, биологик актив моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар» дан фойдаланилди. Фотосинтез соф маҳсулдорлиги Н.Н.Третьяков услуби бўйича аниқланган. Тажрибалардан олинган маълумотларга математик-статистик ишлов бериш Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспехов услубий қўлланмалари асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

илк бор Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида чигитга экиш олдидан ва ғўзанинг шоналаш даврида Натрий гумат, Оберегъ, Фитовак, Биодукс ва Замин-М стимуляторлари билан ишлов беришнинг мақбул муддат ва меъёрлари аниқланган;

чигитга экиш олдидан Натрий гумат билан 2,2 кг/т, Оберегъ 1,0-1,5 мл/т, ҳамда ғўзанинг шоналаш даврида 10 мл/га, Фитовак чигитга 200 мл/т ва шоналаш даврида 400 мл/га, Биодукс чигитга 3,0 мл/т ва шоналаш даврида 2,0 мл/га, Замин-М чигитга 2,5 л/т, шоналаш ва гуллаш даврларида 2,0 л/га меъёрларда ишлов берилганда ниҳолларнинг униб чиқиши 10-15% тезлашган, ғўзанинг гоммоз ва вилт билан заарланиши камайгани

аниқланган;

янги стимуляторлар билан чигитга ва ғўзанинг ўсув даврида ишлов берилганда ғўзанинг ҳосил элементлари тўкилишини камайтирган, тупроқдаги аммонификаторлар, споралилар ва актиномицетлар каби микроорганизмлар фаоллиги ошгани ва пероксидаза ферменти фаоллашгани илмий асосланган;

ғўзанинг ўсиши-ривожланиши ва ҳосил элементларининг шаклланишига, ғўзанинг қуруқ массаси, барг юзаси, фотосинтез маҳсулдорлигига, пахта ҳосилдорлиги ва тола сифатига ижобий таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси: Тошкент вилояти шароитида чигитни эртаги ва соғлом ундириб олиш, касалликлардан ҳимоя қилиш, ғўзанинг ўсиши ва ривожланишини авжлантириш, юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштириш учун Натрий гумат, Оберегъ, Фитовак, Биодукс ва Замин-М стимуляторларини қўллашнинг мақбул меъёрлари ва муддатлари ишлаб чиқилган.

Чигитни экиш олдидан Натрий гумат стимулятори билан 2,2 кг/т, Оберегъ 1,0-1,5 мл/т, Фитовак 200 мл/т, Биодукс 3,0 мл/т, Замин-М 2,5 л/т меъёрида ҳамда ғўзанинг шоналаш даврида Оберегъ 10 мл/га, Фитовак 400 мл/га, Биодукс 2,0 мл/га, Замин-М 2,0 л/га меъёрларда ишлов берилганда ниҳолларнинг униб чиқиши 1-2 кунга тезлашган;

ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши жадаллашиб, ўсимлик бўйи 4,3-10,7 см баландроқ, ҳосил шохлари 0,9-2,6 дона, кўсаклар сони 0,4-1,0 донага кўпайган, кўсакларнинг очилиш даражаси 4,5-12,0% тезлашган, ҳосил элементларининг тўкилиши 5,2-11,9 % га камайган, тупроқдаги микроорганизмлар фаоллашиб, ғўзада пероксидаза ферменти миқдори ошгани ҳамда пахта ҳосили 3,0-5,3 ц/га ортгани аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория тажриба усулларидан фойдаланган ҳолда вариацион-статистик ишловдан ўтказилганлиги, шу билан бирга олинган назарий натижаларни амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажрибалар натижаларини маҳаллий ва чет эл илмий тадқиқотлари билан таққосланганлиги, тўпланган маълумотлар мутахассислар томонидан тасдиқланиб баҳолангандиги ҳамда тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга янги стимуляторларни қўллаш соҳаси бўйича кенг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг Республика ва Ҳалқаро илмий конференцияларда қилинган маъruzалар натижаларнинг ишончлилигини тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти янги стимуляторлар ўсимликнинг ферментлар фаоллиги, аминокислоталар ва оқсиллар биосинтези ва ғўзанинг ривожланиш даврларида кечадиган физиологик жараёнларнинг илмий асосланганлиги, турли таркибли янги стимуляторлар билан чигитга ва ғўзанинг ўсув даврида ишлов берилганда, чигитнинг униб чиқиши, ғўзанинг

ўсиш-ривожланиши, гоммоз ва вилт касалликларига бардошлилигига таъсирини аниқлашда назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти пахтачиликда стимуляторлардан мақсадли ва унумли фойдаланган ҳолда чигитни бехато ва эрта ундириб олиш, ўсиш ва ривожланишини жадаллаштириш, юқори ва сифатли пахта ҳосили олишни таъминловчи янги Натрий гумат, Оберегъ, Фитовак, Биодукс ва Замин-М стимуляторларини чигитга ва ғўзанинг вегетация даврида қўллашнинг мақбул меъёр ва муддатлари ишлаб чиқилган ҳамда олинган натижалар амалиётга жорий этилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ғўза парваришида янги стимуляторларнинг мақбул меъёр ва муддатларини ишлаб чиқиши бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

янги стимуляторларни ғўзада қўллаш бўйича 2017 йилда “Тошкент вилоятида экилаётган ғўза навларини етиштириш агротехнологияси” ва 2013 йилда “Фитовак препаратини пахтачилик ва ғаллачиликда қўллаш бўйича тавсиялар” тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 9 ноябрдаги 02/020-295-сонли маълумотномаси). Тавсияномалар қўлланма сифатида пахтачилик фермер хўжаликларида хизмат қилган;

типик бўз тупроқлар шароитида ғўза парваришида янги стимуляторларни чигит экиш олдидан ва ғўзани шоналаш даврида қўллаш агротехнологияси Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари фермер хўжаликларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 9 ноябрдаги 02/020-295-сонли маълумотномаси). Натижада, “Натрий гумат” 2,2 кг/т, “Оберегъ” 1,0 мл/т, “Фитовак” 200 мл/т, “Биодукс” 3,0 мл/т стимуляторлари билан ишлов бериш орқали чигитнинг соғлом ва бехато униб чиқиши таъминланган ва ғўзани шоналаш даврида “Оберегъ” 10 мл/га, “Фитовак” 400 мл/га, “Биодукс” 2,0 мл/га қўллаш ҳисобига ғўза ривожининг 3-4 кунга тезлашганлиги, ўсиш ва ривожланиш яхшиланиб, пахта ҳосилдорлиги 4-5 ц/га ортганлиги кузатилган;

янги стимуляторларни қўллаш агротехнологияси Тошкент вилояти фермер хўжаликларининг 544 гектар, Сурхондарё вилояти фермер хўжаликларининг 279 гектар, жами 823 гектар пахта майдонларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 9 ноябрдаги 02/020-295-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида, ғўзанинг ўсиш ва ривожланиши тезлашиши ҳисобига биринчи терим салмоғи ошган, гектаридан 568510-932335 сўм қўшимча фойда олишга эришилган ва рентабеллик даражаси 12,8-18,8% ортган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари ЎзҚХИИЧМ ва ПСУЕАТИ томонидан тузилган маҳсус апробация комиссияси томонидан яхши ва аъло баҳоланган, ҳисботлар ҳар йили институтнинг услубий ва илмий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари бўйича республика ва халқаро илмий анжуманларда маъruzалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шундан 1 та тавсиянома, Олий

аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган, 12 таси республика ва халқаро конференциялар тұпламларида чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, еттита боб, хулоса, фойдаланилған адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмida ўтказилған тадқиқотларнинг долзарбилиги ва зарурати асосланған. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда обьект ва предметлари тавсифланған. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилған, муаммонинг ўрганилғанлик даражаси, тадқиқот усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияда ижобий баҳолангани, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилған.

Диссертациянинг «**Стимуляторларнинг чигитни унувчанлиги, ўсимликларни ўсиш ва ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигини оширишдаги аҳамияти борасида олиб борилған илмий ишларнинг шарҳи**» деб номланған биринчи бобида мавзу бўйича ўтказилған илмий тадқиқотлар юзасидан маълумотлар келтирилған бўлиб, пахтачилик соҳасида турли стимуляторлар, ретардантлар, биоўғитларни қўллаш бўйича кўплаб тадқиқотчиларнинг олиб борган ишлари, маҳаллий ва хорижий олимларнинг маълумотлари баён этилган. Адабиётлар шарҳининг хулоса қисмida Тошкент вилоятининг табиий иқлим ва тупроқ шароитларида турли асосли янги стимуляторлардан Натрий гумат, Оберегъ, Фитовак, Биодукс ва Замин-M каби биологик ва физиологик фаол моддаларнинг ғўзадаги самарадорлигини илмий асослаш ва ишлаб чиқаришга тавсия қилиш, уларни мақбул қўллаш муддатлари ва меъёрлари бўйича илмий изланишлар олиб бориш зарурлиги баён қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиш шароити ва услублари**» деб номланған иккинчи бобида дала тажрибалари Тошкент вилояти Қибрай тумани ПСУЕАТИ тажриба участкасида олиб борилғанлиги ҳамда тажриба даласи эскидан суғориладиган типик бўз, механик таркиби оғир, сизот сувлари 18-20 метр чуқурлиқда жойлашган тупроқ шароитида ўтказилгани баён этилган.

Ғўздан эртаги, юқори ҳосил, сифатли тола ва чигит етиштириш учун янги стимуляторларни қўллаш технологияларини ишлаб чиқиши ва амалиётга жорий этиш мақсадида Республика Давлат кимё комиссияси томонидан тақдим этилган Ўзбекистонда ишлаб чиқарилған Натрий гумат, Фитовак ва Замин-M ҳамда Россиядан келтирилған Оберегъ ва Биодукс стимуляторлари билан чигитга экиш олдидан ва ғўзанинг ривожланиш давларида ўсимликка


турли меъёрларда қўллаш усуулари бўйича тажрибалар олиб борилган.

Тадқиқотларда фенологик кузатувлар ва лаборатория таҳлиллари ЎзПИТИда қабул қилинган «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» қўлланмаси асосида олиб борилган. Шунингдек, кимёвий моддаларни чигитга ва ўсимликка қўллаш даврида «Ўсишни созловчи моддаларни давлат синовидан ўтказиш бўйича қисқача услубий кўрсатмалар» ва «Инсектицид, акарицид, биологик актив моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар» ҳамда Н.Н.Третьяков услуги бўйича фотосинтез соф маҳсулдорлиги аниқланган. Тажриба маълумотларига математик-статистик ишлов бериш Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” қўлланмасида баён қилинган дисперсион таҳлил услуби асосида амалга оширилган.

Диссертациянинг **«Натрий гумат, Оберегъ ва Фитовак стимуляторларининг ғўзадаги биологик самарадорлиги»** деб номланган учинчи бобида янги стимуляторлар билан ишлов беришнинг чигитни униб чиқиши даражаси, гоммоз ҳамда вилт касалликлари билан заарланиш даражаси, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва хосилдорлигига таъсири тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Янги стимуляторларнинг лаборатория шароитида чигитларнинг униб чиқиши қуввати ва унувчанлигига таъсири ўрганилганда чигит экиш олдидан Натрий гумат 30% паста билан 2,2 кг/т меъёрда ишлов берилганда 15,5%, Оберегъ билан 1,0 мл/т меъёрда ишлов берилганда 12,4-15,9%, Фитовак билан 200 мл/т меъёрда ишлов берилганда 10,0-11,6% га чигитнинг дала шароитидаги унувчанлиги юқори бўлгани аниқланган.

Диссертацияда янги стимуляторларнинг ғўзанинг гоммоз касаллиги билан заарланиш даражасига таъсири ғўзанинг 3-4 чинбарг ва пишиш даврларида аниқланганда, Натрий гумат, Оберегъ ва Фитовак стимуляторлари ғўза ниҳолларининг гоммоз касаллигига бардошлигини ошириши аниқланган (1-расм).



1-расм. Ғўзанинг гоммоз касаллигига янги стимуляторларнинг таъсири, %
хисобида, (2010 йил)

Жумладан, ғўзанинг 3-4 чин барг даврида гоммоз билан заарланиш назорат вариантида 16,0% ни (1-вар.) ташкил этган бўлса, Далброн билан ишлов берилган (2-вар.) вариантда 10,0%, Натрий гумат стимулятори қўлланилганда (3-вар.) 12,0%, Оберегъ билан чигитга 1,0 мл/т меъёрда ишлов берилганда (4-5 вар.) 12,0%, Оберегъ билан чигитга 1,5 мл/т меъёрда ишлов берилган вариантларда (6-7 вар.) 10-12%, Фитовак стимулятори чигитга экиш олдидан 200 мл/т меъёрда қўлланилган вариантда (9-10 вар.) 10-12% заарлангани қайд этилган.

Таъкидлаш лозимки, янги стимуляторлар билан ишлов берилган вариантларда назорат вариантига нисбатан ғўза нихоллари гоммоз билан 4-6% камроқ заарланганлиги аниқланган. Кейинги кузатувларда, яъни қўсаклар пишиш даврида назорат вариантида ғўзанинг гоммоз билан заарланиши 15% бўлгани ҳолда Натрий гумат, Оберегъ ва Фитовак стимуляторлари билан ишлов берилган вариантларда 0-5% атрофидагина гоммоз аниқланган ёки заарланиш даражаси 10-15% га камайган. Айниқса, чигитга Натрий гумат 2,2 кг/т, Оберегъ 1,0 мл/т ҳамда шоналаш даврида 10 мл/га меъёрда ишлов берилган вариантларда ушбу касаллик билан заарланиш кузатилмаган.

Олинган натижаларга кўра, чигитга янги стимуляторлар билан ишлов берилганда униб чиқиши тезлашиши билан биргалиқда гоммоз касаллигига бардошлилиги ҳам ортган, бу эса кейинчалик ғўзанинг жадал ўсиши ва ривожланишига имконият шароит яратилиши таъминланган.

Тажрибада ғўза вегетацияси даврида ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига Натрий гумат, Оберегъ ва Фитовак стимуляторларининг таъсири ўрганилган. Натрий гумат, Оберегъ ва Фитовак стимуляторлари билан чигитга экиш олдидан ва ғўзанинг шоналаш даврида ишлов берилганда ўсимлик бўйига жадал ўсиши, ҳосил шохлари, шона, гул ва қўсаклари мақбул шаклланган ҳолда ғўзанинг бўйи 4,3-10,7 см баланд, ҳосил шохлари 0,9-2,6 донага кўпроқ, қўсаклар сони эса 0,4-1,5 донага ортган.

Тажрибада янги стимуляторларнинг қўсаклар очилишига таъсири ҳам ўрганилган. Паҳтанинг пишиш даврида (8.09.2010) назорат вариантида 38,6% қўсаклар очилган ҳолда Далброн қўлланилганда 43,1%, Натрий гумат стимуляторида 51,3%, Оберегъ 1,0 мл/т меъёрда 48,2-50,6%, Оберегънинг 1,5 мл/т меъёрида 45,9-48,1%, Оберегъ стимулятори шоналаш даврида 10 мл/га қўлланилганда 44,2%, Фитовак билан чигитга ва шоналаш даврида ишлов берилган вариантларда 48,1-49,4% ҳамда Фитовак ғўзанинг шоналаш даврида 400 мл/га қўлланилган вариантда 46,8% қўсаклар очилгани аниқланган. Бу эса назорат вариантига нисбатан қўсакларнинг очилиши 4,5-12,0% тезлашганини кўрсатади.

Тадқиқотларда ғўзанинг қуруқ масса тўплашига янги стимуляторларнинг таъсири шоналаш, гуллаш-ҳосил тугиш ва ўсув даври охирида ўрганилган. Таъкидлаш керакки, янги стимуляторлар ғўзанинг қуруқ масса тўплашига вегетация даври давомида ижобий таъсир этган.

Ғўзанинг ўсув даври охирида тажриба вариантларида бир туп ғўза илдизининг қуруқ массаси 7,2-11,0 г, пояси 18,5-25,5 г, барги 25,4-33,9 г,

чаноқ массаси 16,0-21,3 г, пахта вазни 32,8-44,5 г ва жами бир ўсимлик қуруқ массаси 101,1-134,6 граммни ташкил этган ҳолда янги стимуляторлар қўлланилган вариантларда ўсимликнинг вегетатив ва генератив органлари назоратга нисбатан юқори бўлган. Жумладан, пахта вазни назоратда 32,8 г бўлгани ҳолда, унга нисбатан Далбронда 3,0 г, Натрий гуматда 4,9 г, Оберегънинг турли меъёрларида 2,7-11,7 г, Фитовакда 2,4-11,7 г юқори бўлганлиги аниқланган. Қайд этиш керакки, шунга ўхшаш натижалар ғўзанинг илдиз, поя, барг ва чаноқ массалари бўйича ҳам олинган.

Ғўзанинг фотосинтез соф маҳсулдорлигига янги стимуляторларнинг таъсири ғўзанинг гуллаш, ҳосил туғиши ва ўсуви даври охирида хисобланган. Унга кўра, ғўзанинг Наврўз навининг морфобиологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда фотосинтез соф маҳсулдорлиги ўсуви даври охирида назорат вариантида суткасига 9,34, Далбронда 10,0, Натрий гуматда 9,95, Оберегъ чигитга 1,0 мл/т қўлланилганда 11,16, Оберегъ чигитга 1,0 мл/т ва шоналаш даврида 10 мл/га меъёрда сепилганда 10,33, Фитовак билан чигитга 200 мл/т ишлов берилганда 10,28, Фитовак чигитга 200 мл/т, шоналаш даврида 400 мл/га қўлланилганда 10,76 г/м² ни ташкил этган. Яъни, фотосинтез соф маҳсудорлиги Натрий гумат таъсирида суткасига 0,61, Оберегъ қўлланилганда 0,99-1,80, Фитовакда 0,94- 1,42 г/м² кўпроқ бўлгани кузатилган.

Тадқиқотларда Натрий гумат, Оберегъ ва Фитовак стимуляторлари билан чигитга ва ғўзанинг амал даврида турли меъёрларда ишлов берилганда кўсак вазни ва пахта ҳосилига ижобий таъсир кўрсатгани аниқланган. Аввало бир кўсакдаги пахта вазни аниқланганда, назоратда 5,0 г бўлса, Оберегъда 5,2-5,4 г, Фитовакда 5,1-5,3 г, Далbron ва Натрий гуматда 5,1 г ни ташкил этиб, назоратдан 0,1-0,4 г оғирроқ бўлгани аниқланган.

Чигитга ва ғўзага янги стимуляторлар билан турли меъёр ва муддатларда ишлов берилганда пахтадан юқори ҳосил етиширилиб, назорат вариантига нисбатан 1,7-3,9 ц/га қўшимча ҳосил олинган, бунда қўшимча ҳосил миқдори Натрий гуматда 3,2 ц/га, Оберегъда 1,7-3,9 ц/га, Фитовакда 2,2-3,8 ц/га ни ташкил этган.


Тажрибада энг юқори ҳосил Оберегъ стимулятори билан чигитга 1,0 мл/т ва ғўзанинг шоналаш даврида 10 мл/га меъёрда ҳамда Фитовак стимулятори билан чигитга 200 мл/т ва ғўзанинг шоналаш даврида 400 мл/га меъёрда ишлов берилган вариантларда кузатилиб, назоратдан 3,8-3,9 ц/га юқори ҳосил олингани ва ҳосилдорлик 13,5-14,0% ўсишига эришилган.

Натрий гумат, Оберегъ ва Фитовак стимуляторлари билан чигитга ва ғўзанинг шоналаш даврида ишлов берилганда, чигит майдорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатган. Масалан назорат вариантида чигит мағзидаги майдорлиги 28,7% бўлгани ҳолда Далбронда 33,6%, Натрий гуматда 30,9%, Оберегънинг турли меъёрлари қўлланилганда 29,0-34,7%, Фитовак билан ишлов берилган вариантларда 31,8-33,9% ни ташкил этган ёки майдорлик кўрсаткичи назоратдан 0,3-6,0% ортган (2-расм).

Пахта толасининг технологик сифат кўрсаткичлари аниқланганда Натрий гумат, Оберегъ ва Фитовак стимуляторлари билан чигитга ва

ғўзанинг шоналаш даврида ишлов берилганда юқори сифатли тола етиштирилгани қайд этилган.

Назорат вариантида толанинг чиқими 42,5%, узилиш кучи 5,0 гк, етуклик коэффициенти 2,1, нисбий узилиш кучи 26,0 гк/текс бўлгани ҳолда Натрий гумат билан ишлов берилганда тола чиқими 42,5%, узилиш кучи 4,9 гк, етуклик коэффициенти 2,1, нисбий узилиш кучи 25,8 гк/текс, Оберегъда тола чиқими 41,5-43,0%, узилиш кучи 5,0 гк, етуклик коэффициенти 2,1, нисбий узилиш кучи 26,0 гк/текс, Фитовак стимулятори қўлланилганда тола чиқими 42,5-43,0%, узилиш кучи 4,9-5,0 гк, етуклик коэффициенти 2,1, нисбий узилиш кучи 25,9-26,0 гк/тексни ташкил этган.



$$HCP_{05}=0,34\%, HCP_{05}=1,07\%$$

2-расм. Янги стимуляторларнинг чигит мағзидаги мойдорлигига таъсири, % хисобида, (ғўзанинг “Наврўз” нави, 2011 йил)

Диссертациянинг “Биодукс стимуляторининг чигит униб чиқиши, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва пахта ҳосилига таъсири” деб номланган тўртинчи бобида Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида Биодукс стимуляторининг ғўзадаги таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Ўтказилган кузатувларда чигитнинг униб чиқиш даражаси назоратда 72,8% бўлган ҳолда Биодукс билан чигитга 2,0-4,0 мл/т меъёрларда ишлов берилган вариантларда 81,3-84,9 фоизни ташкил этган ҳамда назоратга нисбатан 8,5-12,1% юқори бўлгани қайд этилган.

Ғўзанинг шоналаш, гуллаш ва ҳосил туғиши даврларида ўтказилган кузатувларда Биодукс билан чигитга ва ғўзанинг ўсув даврида ишлов берилганда ўсимликнинг бўйига ўсиши ва ҳосил элементларининг тўпланиши мақбуллашгани ва юқори кўрсаткичлар олингани аниқланган.

Ғўзанинг ўсув даври охираida Биодукс билан чигитга 3,0 мл/т ва гуллаш даврида 2,0 мл/га меъёрларда ишлов берилганда ўсимлик бўйи 96,2 см, ҳосил шохлари 16,0 дона, қўсаклар сони 11,6 дона бўлгани ҳолда назорат

вариантига нисбатан ғўзанинг бўйи 7,7 см, ҳосил шохлар сони 1,3 донага ва кўсаклар сони 1,8 донага кўпроқ бўлгани кузатилган.

Пахта ҳосили назорат вариантида 37,2 ц/га, Гумимаксда 40,1 ц/га, Биодукс билан чигитга 2,0 мл/т ва ғўзанинг гуллаш даврида 2,0 мл/га меъёрда ишлов берилганда 39,9 ц/га, Биодукс чигитга 3,0 мл/т, гуллашда 2,0 мл/га қўлланилганда 41,0 ц/га ва Биодукс билан чигитга 4,0 мл/т, ғўзанинг гуллаш даврида 2,0 мл/га меъёрда ишлов берилганда 39,7 ц/га ни ташкил этиб, назоратга нисбатан 2,5-3,8 ц/га қўшимча ҳосил олинган (3-расм).



3-расм. Биодукс стимулятори билан чигитга ва ғўзанинг гуллаш даврида ишлов беришнинг пахта ҳосилига таъсири (2013-2014 йий)

Тажрибада энг юқори ҳосил Биодукс билан чигитга 3,0 мл/т ва гуллаш даврида 2,0 мл/га меъёрда ишлов берилганда 41,0 ц/га ни ташкил этиб, қўшимча 3,8 ц/га ҳосил олинган. Шунингдек, Биодукс қўлланилган варианtlарда тола чиқиши 0,5%, чизиқли зичлиги 4 м/текс, нисбий узилиш кучи 0,5 гк/текс яхшилангани ҳолда юқори сифатли тола етиштирилган.

Диссертациянинг “**Замин-М биологик фаол моддасини ғўзада қўллашнинг муддат ва меъёrlарини ишлаб чиқиши**” деб номланган бешинчи бобида Замин-М биостимуляторининг Андижон-37 ғўза навидаги самарадорлиги ўрганилган. Тадқиқотларда чигитнинг униб чиқиш даражаси назорат вариантида 60,8%, Байкал ЭМ1 қўлланилганда 68,7%, Замин-М биостимуляторининг 2,0 л/т меъёрида 72,0%, 2,5 л/т меъёрида 74,9% ва 3,0 л/т меъёрида 71,7 фоизни ташкил этган ҳолда назоратдан 10,9-14,1% юқори бўлган ҳамда соғлом ниҳоллар ундириб олишга эришилган.

Замин-М ғўзанинг ривожланиш даврларига ижобий таъсир этиб, униб чиқиши 1-2 кунга, шоналаш даври 3 кунга, гуллаш даври 1 кунга, пишиш даври 2-4 кунга тезлашгани аниқланган. Ғўзанинг Андижон-37 нави шоналаш даврида 622,3-670,9 °C, гуллаш даврида 951,2-972,9 °C, пишиш даврида 1800,9-1872,2 °C самарали ҳарорат олгани ҳолда Замин-М қўлланилган варианtlарда шоналаш даврида 48,6 °C, гуллаш даврида 21,7 °C, пишиш даврида 38,0-71,3 °C камроқ ҳароратда ҳам ушбу даврларда


ривожланиш бошлангани кузатилган. Натижада Замин-М билан ишлов берилган ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши тезлашиб, бўйи 3,6-10,0 см, кўсаклар сони 1,0-3,1 донага ортган ҳамда кўсаклар очилиши 10-15% тезлашган.

Ғўзанинг пишиш даврида бир туп ўсимлик баргининг қуруқ массаси 22,2-25,5 г, пояси 15,6-19,9 г, чаноқ 12,6-16,9 г, пахта массаси 38,8-50,6 г бўлгани ҳолда жами назоратда 89,3 г, Байкал ЭМ1 97,9 г, Замин-М да 106,6-110,2 г ни ташкил этган. Бунда, бир туп ғўзадаги пахта хомашёси Замин-М билан ишлов берилган варианларда 46,6-50,6 г ташкил этиб, назоратдан 7,8-11,8 г кўпайишига олиб келган.

Ҳосил тушиш-пишиш даврига келиб, бир туп ғўзанинг барг юзаси назоратда 2562,4-2588,1, Байкал ЭМ1да 2628,3-2698,7, Замин-М да 2705,1-2939,0 см² ни ташкил этиб, барг юзаси 117,0-376,6 см² гача ортган, бир ўсимлиқда шаклланган барглар сони 37,3-46,3 донага тенглашиб, Замин-М ва Байкал ЭМ1 қўлланилган варианларда назоратдан 2,0-8,0 донага кўпроқ бўлгани аниқланган.

Ғўзанинг фотосинтез соф маҳсулдорлиги ҳосил тушиш-пишиш даврида назоратда суткасига 8,96, Байкал ЭМ1 8,67, Замин-М 9,29-10,35 г/м² бўлгани ҳолда Замин-М билан ишлов берилган варианларда 0,33-1,39 г/м² ортгани кузатилган.


Шунингдек тадқиқотларда Замин-М препаратининг ғўза ҳосил элементлари тўкилишини олдини олишга таъсири ҳам ўрганилган (4-расм).



4-расм. Замин-М стимуляторининг ғўзада ҳосил элементлари тўкилишига таъсири, %

Жумладан, ғўзанинг пишиш даврида (8.09.2015) бир туп ғўзада тўкилган ҳосил элементлари назорат вариантида 28,3, Байкал ЭМ1 да 24,8, Замин-М билан ишлов берилганда 16,4-27,8% ни ташкил этган ҳолда Замин-М билан чигитга 2,5-3,0 л/т ва ғўзани шонлаш ва гуллаш даврида 2,0-2,0 л/га меъёрларда ишлов берилганда ҳосил элементлари 5,2-11,9 % камроқ тўкилган.

Пахта ҳосили назорат вариантида 41,2 ц/га, Байкал ЭМ1 билан чигитга 3,0 л/т ва шоналаш-гуллаш даврида 3,0-3,5 л/га меъёрда ишлов берилганда 44,6 ц/га, Замин-М билан чигитга 2,0 л/т ва шоналаш-гуллаш даврида 2,0 л/га қўлланилганда 45,6 ц/га, Замин-М чигитга 2,5 л/т ва вегетация даврида 2,0-2,0 л/га қўлланилганда 46,5 ц/га ва Замин-М билан чигитга 3,0 л/т ва ғўзага 2,0-2,0 л/га меъёрда ишлов берилганда 45,4 ц/га ни ташкил этиб, назоратга нисбатан қўшимча ҳосил Байкал ЭМ1да 3,4, Замин-М да 4,2-5,3 ц/га тенг бўлган (5-расм).



2015 йил $HCP_{05} = 1,2$ ц/га, $HCP_{05} = 3,7\%$, 2016 йил $HCP_{05} = 1,8$ ц/га, $HCP_{05} = 3,7\%$, 2017 йил $HCP_{05} = 1,2$ ц/га, $HCP_{05} = 2,2\%$

5-расм. Замин-М билан чигитга ва тўзага ишлов беришнинг пахта ҳосилига тасири, (Андижон-37 нави, ўртача 2015-2017 йиллар)

Таъкидлаш лозимки, Замин-М препарати пахта толасининг сифатига ижобий таъсир этган ҳолда унинг мақбул меъёрларида 1000 дона чигит вазни 3,5-5,5 г оғир бўлган бўлса, толанинг чиқиши, узунлиги, узилиш кучи, нисбий узилиш кучи назорат атрофида ва ундан бироз яхшилангани аникланган.

Тажрибада биостимуляторларни қўллашдан олдин тупроқ таркибидағи аммонификатор, спорали, олигонитрофил, актиномицет каби микроорганизмлар ва замбуруғлар аниқланган (26.04.2016). Тахлил натижаларига қўра, тупроқни 0-15 см қатламида аммонификаторлар $1,4-3,4 \times 10^7$ дона, споралилар $3,0-6,0 \times 10^4$ дона, олигонитрофиллар $1,5-3,4 \times 10^7$ дона, актиномицетлар $3,0 \times 10^4-1,9 \times 10^5$ дона, замбуруғлар $2,0-6,0 \times 10^3$ донани ташкил этган бўлса, 15-30 см қатламда уларнинг сони янада кўплиги кўзатилиган.

Ғўзанинг гуллаш даврида (6.07.2016) олинган тупроқ намуналари таҳлил қилинганда, назорат вариантида 0-15 см тупроқ қатламидаги аминофикаторлар сони 6×10^6 , споралилар $1,6 \times 10^4$, актиномицетлар 8×10^4 , замбуруғлар 8×10^3 дона бўлса, Байкал ЭМ1 ва Замин-М микробиологик препаратлари кўлланилган вариантларда аммонификаторлар $1,0-1,1 \times 10^7$, споралилар $3,0-6,0 \times 10^4$, актиномицетлар $1,1-1,9 \times 10^5$ ва замбуруғлар $1,6 \times 10^4$ ташкил этиб, назоратга нисбатан кўпайгани қайд этилган (1-жадвал).

Ғўзанинг ўсув даври охирида тупроқ таркибидаги аммонификаторлар, споралилар, актиномицетлар ва замбуруғлар сони камайган, бу эса амал даври охирида микроорганизмлар фаоллиги пасайганини кўрсатади.

1-жадвал

Замин-М кўлланилгандан кейин тупроқдаги микроорганизмлар миқдори (1 г қуруқ тупроқда минг дона хужайра ҳисобида) 6.07.2016 йил

№	Тажриба варианtlари	Тупроқ қатлами, см	Аммонификаторлар	Споралилар	Актиномицетлар	Замбуруғлар
1	Назорат	0-15	6×10^6	$1,6 \times 10^4$	8×10^4	8×10^3
		15-30	7×10^6	$3,6 \times 10^4$	6×10^4	$1,1 \times 10^4$
2	Байкал ЭМ1	0-15	$1,1 \times 10^7$	$3,0 \times 10^4$	$1,1 \times 10^5$	4×10^3
		15-30	4×10^6	$2,6 \times 10^4$	$1,2 \times 10^5$	6×10^3
3	Замин-М	0-15	$1,0 \times 10^7$	$6,0 \times 10^4$	$1,9 \times 10^5$	$1,6 \times 10^4$
		15-30	6×10^6	$4,0 \times 10^4$	$2,9 \times 10^5$	7×10^3

Маълумки, экинларга биологик ва физиологик фаол моддалар билан ишлов берилганда пероксидаза ферментининг фаоллиги ўзгаради (Asrorov, Matušnikov et al., 2016). Байкал ЭМ1 ва Замин-М препаратлари билан чигитга ва шоналаш-гуллаш даврларида ғўзага ишлов берилганда пероксидаза ферментининг фаоллиги ошган. Бу Байкал ЭМ1 ва Замин-М препаратлари таъсирида ғўзада фенол бирикмалари синтези, нафас олиш ва фотосинтез жараёнлари жадаллашганини кўрсатади ҳамда ўсимликнинг касаллик ва зааркунанда ҳашаротларга бардошлигини оширади (2-жадвал).

2-жадвал

Замин-М стимуляторининг пероксидаза ферменти фаоллигига таъсири

№	Тажриба варианtlари	Чигитга ва ғўза вегетацияси даврида кўллаш меъёри	Пероксидаза ферменти фаоллиги n=3; m±M	
			шоналаш даврида, 30.06.2016	гуллаш даврида, 22.07.2016
1	Назорат	-	$17,79 \pm 0,98$	$19,04 \pm 1,30$
2	Байкал ЭМ 1	3,0 л/т, 3,0+3,5 л/га	$20,96 \pm 1,30$	$21,68 \pm 0,98$
3	Замин-М	2,0 л/т, 2,0+2,0 л/га	$21,67 \pm 1,0$	$16,72 \pm 2,40$
4	Замин-М	2,5 л/т, 2,0+2,0 л/га	$12,74 \pm 0,35$	$17,88 \pm 2,30$
5	Замин-М	3,0 л/т, 2,0+2,0 л/га	$10,8 \pm 0,24$	$23,93 \pm 0,80$

Пероксидаза ферменти фаоллигининг ортиши натижасида тўқималарда метаболик жараёнлар жадаллашади ва ҳосил элементлари кўпроқ шаклланади, ўсимликни патогенлардан ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган госсипол ва фитоалексинлар синтези ортади (Дмитриев, 1999).

Тажрибада Замин-М стимулятори пероксидаза ферментининг фаоллигини ошириб, ғўзанинг шоналаш ва гуллаш даврларини ташқи муҳит омилларининг салбий таъсирини камайтиргани аниqlangan.

Диссертациянинг “Ишлаб чиқариш шароитидаги тажриба натижалари” деб номланган олтинчи бобида кичик дала тажрибаларида энг юқори натижалар олинган варианtlар катта майдонларда синовдан ўтказилганда олинган натижалар келтирилган. Тошкент вилоятининг типик бўз тупроклари шароитида чигитга экиш олдидан Натрий гумат 30% паста

стимулятори билан 2,2 кг/т, Оберегъ билан чигитга 1,0 мл/т ва ғўзанинг шоналаш даврида 10 мл/га, Фитовак билан чигитга 200 мл/т ва ғўзанинг шоналаш даврида 400 мл/га меъёрларда ишлов берилганда, ниҳолларнинг униб чиқиши 10-15% тезлашган, ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши жадаллашган ҳамда пахта ҳосилдорлиги 4,4-5,4 ц/га ортгани ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган тажрибаларда ҳам аниқланган.

Диссертациянинг “Ғўзада янги стимуляторларни қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги” деб номланган еттинчи бобида ғўза етиштиришда Натрий гумат, Оберегъ, Фитовак, Биодукс ва Замин-М стимуляторларини қўллашнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари баён этилган. Олинган натижаларга кўра, янги стимуляторлар чигитга ва ғўзанинг ўсув даврида қўлланилганда эртаги, юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштирилгани ҳисобига иқтисодий самарадорликнинг ортишини таъминлаган ва гектаридан 568510-932335 сўм кўпроқ соф фойда олиниб, рентабеллик даражаси 12,8-18,8% ортгани аниқланган.

ХУЛОСАЛАР

1. Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари ва ноқулай табиий иқлим шароитида чигитни соғлом ва эртаги ундириб олиш, касалликларга бардошлигини ошириш, ғўзанинг ўсиши ва ривожланишини жадаллаштириш, пахтанинг эрта пишиб етилишини таъминлаш ва юқори ҳосил етиштиришда Натрий гумат, Оберегъ, Фитовак, Биодукс ва Замин-М каби кимёвий ва биологик асосли янги стимуляторларни чигитга экиш олдидан ва ғўзанинг ўсув даврида қўллашнинг илмий ва амалий аҳамияти аниқланган.

2. Чигитга экиш олдидан Натрий гумат 30 % паста билан 2,2 кг/т, Оберегъ 1,0 мл/т, Фитовак 200 мл/т, Биодукс 3,0 мл/т ва Замин-М 2,5 л/т меъёрларда ишлов берилганда униб чиқиши 10,0-19,1% тезлашган ва 1-3 кун эрта униб чиқсан ҳамда ғўзанинг гоммоз касаллигига бардошлилиги 6,0-14,7% га ортгани кузатилган.

3. Замин-М стимулятори билан чигитга экиш олдидан ва ўсув даврида ишлов берилганда ғўзанинг шоналаш даври 1-3 кун, гуллаши 1 кун, кўсаклар очилиши 2-4 кун, пишиб етилиши 1-5 кун тезлашгани ҳолда шоналаш даврида 622,3-670,9 °C, гуллаш даврида 951,2-972,9 °C, пишиш даврида 1800,9-1872,2 °C даражада самарали ҳарорат олгани аниқланган.

4. Ғўзанинг Наврўз ва Андижон-37 навлари чигитига экиш олдидан ва шоналаш-гуллаш даврларида Натрий гумат, Оберегъ, Фитовак, Биодукс ва Замин-М стимуляторлари билан ишлов берилганда ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиб, бўйи 3,6-10,7 см баландроқ, ҳосил шохлар сони 0,9-2,6 донага ва кўсаклар сони 0,4-1,9 донага кўпроқ бўлгани ҳолда кўсакларнинг очилиш даражаси 4,5-13,7% тезлашган. Шунинг билан биргаликда Замин-М қўлланилганда ғўзанинг ҳосил элементлари тўкилиши 5,2-11,9% гача камайгани аниқланган.

5. Турли янги стимуляторларни ғўзанинг ўсув даврида қўллаш ўсимликнинг қуруқ масса тўплашига ижобий таъсир этган ҳолда пахта

вазнининг 2,4-11,8 г ортгани аниқланган. Шунингдек, фотосинтетик фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиб, бир ўсимликдаги барг сони 2,0-8,2 донага ортган, барглар оғирлиги 6,5-29,2 г, битта барг вазни 0,06-0,33 г оғирроқ бўлган ва бир ўсимлик барг юзаси 117,0-384,6 см² кўпайган, бу эса фотосинтез соғ маҳсулдорлигининг суткасига 0,33-3,39 г/м² ортишига имкон берган.

6. Натрий гумат, Оберегъ ва Фитовак стимуляторлари ғўзанинг вилт касаллигига бардошлигини ошириши натижасида 5-10% камроқ заарлангани аниқланган. Айниқса, Фитовак стимулятори билан ишлов берилганда фитоалексинлик хусусиятини намоён этиши сабабли вилт билан энг кам заарлангани қайд этилган.

7. Тадқиқ этилган янги стимуляторлар ғўзанинг ўсиши ва ривожланишини жадаллаштириш билан биргаликда пахта ҳосилига ижобий таъсир кўрсатиб, 1,7-5,3 ц/га юқори ҳосил олиш имконини берди ва ҳосилдорлик кўрсаткичининг 13,5-15,0% ортишига эришилди.

8. Натрий гумат, Оберегъ, Фитовак, Биодукс ва Замин-М стимуляторлари билан мақбул меъёрларда ва муддатларда чигитга ва ғўзага ишлов берилганда пахта толасининг технологик сифат кўрсаткичларидан тола чиқими 0,5%, нисбий узилиш кучи 0,5 гк/текс ҳамда 1000 дона чигит вазни 3,5-5,5 г яхшилангани ҳолда юқори сифатли пахта хомашёси этиштирилган ҳамда чигит мағзидаги майдорлик 0,3-6,0% юқори бўлган.

9. Ғўзанинг ўсув даврида Замин-М микробиологик препарати билан ўсимликка ишлов берилганда тупроқдаги аммонификаторлар миқдори $1,0 \times 10^7$, споралилар 6×10^4 , актиномицетлар $1,9 \times 10^5$, замбуруғлар миқдори $1,6 \times 10^4$ ни ташкил этиб, тупроқ микроорганизмлари фаолиятига ижобий таъсир кўрсатгани аниқланган. Шунингдек, Замин-М стимулятори пероксидаза ферментининг фаоллигини ошириб, госсипол ва фитоалексинлар синтезини фаоллаштириб, ташки муҳит омилларининг салбий таъсирини юмшатиши, ўсимликнинг турли касаллик ва зааркунанда ҳашаротларга бардошлигигини ошириши кузатилган.

10. Натрий гумат, Оберегъ, Фитовак, Биодукс ва Замин-М стимуляторларини ғўза этиштиришда қўллаш иқтисодий самарали эканлиги аниқланиб, чигитга ва ғўзанинг ўсув даврида мақбул меъёрларда қўлланилганда эртаги, юқори ва сифатли пахта ҳосили олиш билан биргаликда гектаридан 568510-932335 сўм қўшимча даромад олиниб, рентабеллик даражаси 12,8-18,8% ортган.

11. Тошкент вилоятининг типик бўз тупроклари ва ноқулай табиий иқлим шароитида чигитни эртаги, бехато ва соғлом ундириб олиш, ғўзанинг ўсиши ва ривожланишини жадаллаштириш, касалликларга бардошлигигини ошириш, юқори ва сифатли пахта ҳосили этиштириш учун экиш олдидан чигитни намлаш даврида Натрий гумат 30% паста 2,2 кг/т, Оберегъ 1,0 мл/т, Фитовак 200 мл/т, Биодукс 3,0 мл/т ва Замин-М 2,5 л/т меъёрларда ишлов бериш ҳамда ғўзанинг шоналаш даврида Оберегъ 10 мл/га, Фитовак 400 мл/га, Биодукс 2,0 мл/га, Замин-М билан шоналаш даврида 2,0 л/га ва гуллаш даврида 2,0 л/га меъёрларда ишлов бериш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.42.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И
АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЕКЦИИ,
СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ
ХЛОПКА**

КАРИМОВ ШАРОФИДДИН АБДУКАРИМОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ОПТИМАЛЬНЫХ НОРМ И СРОКОВ ПРИМЕНЕНИЯ
НОВЫХ СТИМУЛЯТОРОВ НА ХЛОПЧАТНИКЕ**

06.01.08 - Растениеводство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.PhD/Qx36

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (НИИССАВХ).

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресам www.cottonagro.uz и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyonet.uz

Научный руководитель: **Абдуалимов Шухрат Хамадуллаевич**
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты: **Остонакулов Таштемир Эшимович**
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Рашидова Дилбар Каримовна
доктор сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация: Институт генетики и экспериментальной биологии растений АН РУз .

Защита диссертации состоится «____» 2019 г. в ____ часов на заседании научного совета DSc.27.06.2017.Qx.42.01. при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка, по адресу: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПТИИ, НИИССАВХ Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: piim@agro.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована № ____). Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПТИИ, НИИССАВХ Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: piim@agro.uz

Автореферат диссертации разослан «____» 2019 года.
(реестр протокола рассылки №____ от «____» 2019 г.)

Ш.Нурматов
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.с.х.н., профессор

Ф.М.Хасанова
Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.с.х.н., профессор

Ж.Х.Ахмедов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность диссертации. В мировом сельском хозяйстве 30-40-годов прошлого столетия в таких странах, как США, Россия, Китай, Япония, Индия и Австралия повысилась потребность к применению регуляторов роста. В настоящее время их спрос на мировом рынке составляет 2241 млн. доллара США¹. Это означает о широком использовании ростовых веществ при возделывании продовольственных культур в мировом сельском хозяйстве. Ростовые вещества не только управляют ростом и развитием растений, но вместе с этим ускоряют, а также улучшают агрохимические процессы, позволяющие сохранять и повышать плодородие почвы.

Научное обоснование применения ростовых веществ при глобальных изменениях климата в экстремальных климатических условиях при возделывании сельскохозяйственных культур даёт положительные результаты. Применение стимуляторов роста растений в годы с неблагоприятными погодными условиями, маловодие, увеличение вредителей и различных болезней позволило ускорить всхожесть семян, физиологические процессы в период развития, увеличение продуктивности фотосинтеза, повышение устойчивости к внешним стрессовым факторам, болезням и вредителям способствуя получению ранних, высоких и качественных урожаев, что позволило увеличить объём сельскохозяйственной продукции, обеспечивающей решение проблемы продовольственной безопасности.

В Республике одним из актуальных вопросов в условиях увеличения численности населения и потребности в продуктах питания, является разработка технологии получения высококачественного волокна и семян применяя новые стимуляторы роста позволяющее получить ранний высокий урожай, устойчивый к стрессам, болезням и вредителям, с меньшими затратами и экономически выгодно обеспечивающий население продуктами питания. Вопросы получения ранних, высоких урожаев в хлопководстве, в тоже время устойчивых к стрессам, болезням и вредителям, используя новые стимуляторы роста остаётся актуальным. В указе Президента Республики Узбекистана «О стратегии действия в развитии по пяти приоритетным направлениям на 2017-2021 годы»² в главе 3.3 «....поставлены задачи решения важнейших проблем, одной из них как ускорение развития сельскохозяйственного производства, для обеспечения продовольственной безопасности страны, потребуется расширить производство экологически чистого продукта, внедрить технологию применения регуляторов роста растений.

Диссертационная работа в определённой степени направлена на решение задач поставленных Президентом Республики Узбекистана от 15 сентября 2017 года за № ПП-3281 «О мерах по рациональному размещению сельскохозяйственных культур и прогнозных объемах производства

¹ <http://cyberlenika.ru/article/n/regulyator-rost-rasteniy-v-agrotehnologiyah>

² Указ Президента Республики Узбекистан ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года.

сельскохозяйственной продукции на 2018 год», от 17 июля 2019 года за № ПП-5742 «О мерах по рациональному использованию земельных водных ресурсов в сельском хозяйстве» и в постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 22 декабря 2018 года за №1037 «О прогнозных объемах размещения по сортам хлопчатника и получение сырья хлопка-сырца в 2019 году», а также в других нормативных правовых документах, принятых в этом направлении.

